

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА

№ 1

«07» *Инвар* 20*22* й.

Шахрисабз шаҳри

Шахрисабз шаҳар Электр тармоқлари корхонаси кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг илтомасосида иш юритувчи **О. Боқиев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва **Шахрисабз шаҳрининг тарихий қисмини ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш ва сақлаш департаменти** (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида директор **Н. Сатторов** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок орқали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қелишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 399 999 кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни;
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлашни;
- в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий миқдорини чораклик миқдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хоҳишига қура;
- д) муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга
- е) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилган (истеъмолининг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва ҳавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол қилишини урнатилган тартибга риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидан илтомасослар ҳақида "Таъминотчи"га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимига риоя қилиш шартноманинг;
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлигини ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узиш-кесиш ҳисоб-китобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;
- в) унинг вакили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;
- г) маънавий жиҳатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди ҳамда ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини

- г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма кондалари" 1.2.1-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узиллишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташкари тухтатилиши сабабларини хабар килиш;
- ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар килиш;
- з) жорий этиладиган чеклашлар хакида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0.5 кун олдин хабар килиш;
- и) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
- п) "Электр энергиясидан фойдаланиш кондалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) роя килинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик бахоси **179 999 550** (Бир юз етмиш туккиз миллион туккиз юз туксон туккиз миңг беш юз эллик) сумми ташкил этади.

2021 йил жами	(сумда)											
	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
бюджет	59 999 850	59 999 850	59 999 850									

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари берилди.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 50 фоиздан кам булмаган микдорда олдиндан 28 санасигача хак аванс тарикасида туланади, истеъмол килинган электр энергияси учун қолган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилди.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб килинади. I (хисоб-китоб қилинган кундан кейин)

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол килинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол килинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тўлов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 28-санасига муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тўлов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради.

Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилди.

Қисман (тулик хажмда эмас) хак туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли хакида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг 50 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 50 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорда олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб берилди.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) яқунда оширилган "Истеъмолчи"

бартараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тарикасида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга бўлса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи бўйича электр энергияси суммаси ва ёки миқдорини курсатиши керак. Ақс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари бўйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзига, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойида етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомаларда курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. "Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомаларда курсатилган сана бошланганидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йўл қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантirmасдан, бироқ унча дарҳол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни қуриш зарур бўлган ҳолларда йўл қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 50 фоизини олдиндан туламаганда;

ҳисоб-китоб ойи тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд бўлганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган миқдордан оширилганда;

"Учстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача бўлган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини қуришга асоссиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. "Истеъмолчи"дан ҳисобга олиш прибори бўлмаганда ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан ниқастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси ўзгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган, алоҳида ҳафс ва ўзлуксиз технология жараёнига эга бўлган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланишнинг учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида" ги 511-сон Қарор шизомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса фақат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қури миқдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0,2 фоиз) миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг тақлифига қура мулжалланаётган ўзгартиришларгача 10 кундан қеч бўлмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг ўзгартирилиши электр энергиясини қам олдин ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, қондага кура уларни сулгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат килишга ҳам хақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, қонун хужжатларида белгиланган холлар бундан муостасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиетлар (зилзила, сув тошқини, ва бошка табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартноманинг амал килиш муудати 2022 йил « _____ » _____ дан 2022 «31» декабрғача.

9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (кушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3. Мазкур шартномага хар қандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан хақикий хисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда туҳтатилади.

9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда туҳтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мукин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг хар бирига бир нусхадан колдирилади. Шартноманинг хар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизиетлари:

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

Шахрисабз шаҳар электр тармоқлари
корхонаси

Шахрисабз шаҳрининг тарихий қисмини
ободонлаштириш, кукаламзорлаштириш ва
сақлаш департаменти

(таъминотчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Шахрисабз шаҳар И. Йўли кучаси 102 уй

Манзил: Шахрисабз шаҳар Зеболик куча

Тел./факс

Тел./факс 522-00-31

Х/р: 22636000800177786349

Х/р: 100022860104057065100110001

Банк номи: « Саноат курилиш банк» Карши филиали

бюджет маблағ олув ИИН 207239094 ОКОНХ 90290

МФО: 00854 ИИН: 200666494

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

Газначилиги

Газна Х/В 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар бош

Бошқармаси хисоб-китоб касса маркази

МФО 00014 Газначилик ИИН 201122919

ОКОНХ: 11170

Рақбар

Рақбар

Н. Сатторов

М.Ў.

М.Ў.

20__ йил «__» _____ даги
№ _____ сонли шартномага 1-сонли
Илова

Шахрисабз туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида
етказиб бериладиган электр энергияси куввати

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (КВТ)	Нархи	Суммаси
Январ	КвТ	133 333	450	59 999 850
Феврал	КвТ	133 333	450	59 999 850
Март	КвТ	133 333	450	59 999 850
1-чорак жами	-	-	-	179 999 550
Апрел	-	-	-	-
Май	-	-	-	-
Июн	-	-	-	-
2-чорак жами	-	-	-	-
Июл	-	-	-	-
Август	-	-	-	-
Сентябр	-	-	-	-
3-чорак жами	-	-	-	-
Октябр	-	-	-	-
Ноябр	-	-	-	-
Декабр	-	-	-	-
4-чорак жами	-	-	-	-
Хаммаси 2022 йил				179 999 550

Шахрисабз шаҳар электр тармоклари
бошлиғи.

(имзо)

М.У

(И.Ф)

М.У

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
№

1. Loyiha turi: elektr energiyasi etkazib berish shartnomasi.
2. Loyiha nomi: SHahrisabz shahrining tarixiy qismini obodonlashtirish, kukalamzorlashtirish va saqlash departamenti bilan SHahrisabz shahar elektr ta'minoti korxonasi o'rtasida tuzilgan elektr energiyasi etkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: SHahrisabz shahrining tarixiy qismini obodonlashtirish, kukalamzorlashtirish va saqlash departamenti tomonidan 2022 yil 06 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:
2022 yil 06 yanvar



A.T.Do'stov